Самарқанд Вилояти

▼ ЁШЛАР КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

# БИТИРУВЧИЛАР БИЗНЕС ЛОЙИҲА СОҲИБИ

**Самарқанд вилояти прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари ўртасида «Энг яхши мутахассис» ҳамда «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари ўтказилди.**



Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ўтказилган тадбирда 7128 нафар битирувчи ва уларнинг ота-оналари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуҳамедов. — Жумладан, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Вақтинчалик тартиб» ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўтган давр мобайнида жойлардаги иш берувчилар — корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларидан 53410 нафар битирувчини ишга қабул қилиш бўйича буюртмалар олинди. Шу асосда 40562 нафар битирувчининг ота-оналарига фарзандининг кафолатли иш жойи билан таъминланиши ҳақида сертификатлар берилди.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежларини 2012 йилда битираётган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 1179 нафар ўқувчилар учун «Тадбиркорлик мактаби» ташкил этилиб, банк, молия, солиқ тизими ва савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан амалий машғулотлар ўтказилди.

Коллежларга бириктирилган йирик саноат корхоналарига битирувчилар ўз бизнесини бошлашлари учун имтиёзли кредит олишга тижорат банкларига кафиллик бериш тажрибаси жорий этилди. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси билан ҳамкорликда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун тижорат банклари томонидан 500 нафар ёшларга 2,5 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган.

– Тўнғич фарзандим Насиба Пўлатова бу йил Нурobod маиший хизмат коллежини битиряпти, – дейди Нуробод тумани Темирйўл маҳалласида яшовчи Феруза Авазова. – Бугун ўз бизнес режасини ҳимоя қилмоқда. Агар тақдимот муваффақиятли ўтса, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун «Ипак йўли» банкидан 5 миллион сўм кредит олиши мумкин экан. Бугунги тадбир орқали, юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш, жумладан, ёшларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлишлари учун зарур шароит яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

Тадбирнинг «Энг яхши мутахассис» танловида тикув ва тўқув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида «8-март» ОАЖ корхонасида ўтказилган 5 та коллежнинг 40 нафар битирувчи ўқувчиси дастлабки фаолиятини шу ерда бошлаш имкониятига эга бўлди.

– Мамлакатимизда жорий этилган ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг асосий мақсади етук кадрлар тайёрлаш, ёшлар иқтидорини тўла-тўкис намоён этишларига қаратилгандир, – дейди Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари Ҳикоят Раҳматова. – Битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш борасидаги ишлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда коллежимизда ҳам 357 нафар битирувчининг иш жойи аниқ. Бугунги тадбир туфайли яна етти нафар битирувчи «Регистон плаза» меҳмонхонасида ишлаш имкониятига эга бўлди.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари билим ва касб-ҳунар эгаллашларига оид барча кўргазмали материаллар ва уларнинг ижодий ишлари, миллий ҳунармандчилик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, ахборот технологиялари, маиший хизмат, тиббиёт, педагогика ва дизайн каби йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар касбий фаолияти ва маҳоратини намойиш этишди. Тақдимотлар жараёнида 17 та ихтисослик йўналишидаги мутахассис-кадрларнинг тақдимотини ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида экспертлар гуруҳи баҳолаб борди. Шу маънода мазкур тадбир касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун иқтисодиётнинг реал тармоқлари, саноат корхоналарида ўз иш ўринларини топишида муҳим аҳамият касб этади.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

БУГУН — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

**Экологик муаммо муайян ҳудуд, давлат, минтақа ёки ташкилотнинг муаммоси эмас. Атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар у юзага келган ҳудудда ҳаёт кечирувчи, шу ҳаводан нафас олувчи барча инсон учун бирдек тааллуқли масаладир. Барқарор тараққиёт учун табиатни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мамлакатимизда табиий муҳитни асл ҳолида асраш ҳамда ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.**

# ҲАР БИР ЎСИМЛИК ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Маълумки, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳит муҳофазасида фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Биз бугун аҳоли яшаш жойларидаги дарахт ва буталарни кесиш тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Дарахт ва буталар аҳоли яшаш жойларининг меъёрий-бадиий ҳамда эстетик кўринишини шакллантиришда жуда катта аҳамият касб этади.

Аҳоли яшаш жойларидаги табиий ҳолда ўсувчи дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, дарахт ва буталарни кесиш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Уларга кўра, ўрмон ер фондига кирмайдиган ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ерлари ва бошқа ерлардаги дарахт ва буталарни фақат шакл бериш, бинолар, иншоотлар, коммуникация қурилишлари учун кесиш мумкин. Аҳоли пунктларидаги дарахт ва буталарни кесишга рухсатномалар жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда берилади.

Юқорида таъкидланганидек, дарахт ва буталарни кесиш ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишнинг бир тури бўлганлиги учун ҳам тўлов амалга оширилади. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасига асосан, уларни кесиш учун тўловлар табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларидан бири ҳисобланади. Аслида, бу, дарахт ёки буталарни кесиш орқали ўсимлик дунёсига келтирилган зарар учун товон пулидир. Табиатдан махсус фойдаланиш учун тўловлар дарахт ёки буталарни кесиш учун бериладиган рухсатнома ва уни расмийлаштириш жараёнининг шартларидан бири ҳамда таркибий қисмидир. Тўлов ҳажми, тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар "Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида энг кам иш ҳақи даражаси шаклида белгиланган. Унинг миқдорини белгилашда табиатга етказилган зарар ҳисобга олинади. Мисол учун, айланаси 25 сантиметр бўлган теракни кесишга рухсатнома олиш учун тўлов миқдори белгиланган энг кам иш ҳақининг 2,2 даражасида, эман ва бошқа қимматбаҳо турлар учун айланаси худди шу ҳажмдагисига белгиланган энг кам иш ҳақининг 3,3 даражасига тенг бўлган миқдорда пул тўланиши керак.

Қуриган, қуриб кетиш даражасидаги шикастланган, касалланган дарахт ва буталар кесилганда, пул ундирилмайди. Қуриб қолган ёки қуриётган дарахт ва буталарни кесиш ҳақидаги қарор фақат вегетация даврида, яъни март-октябрь ойларида қабул қилиниши мумкин.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 49-моддасига биноан, атроф-муҳитга зиён етказган корхона, муассаса, ташкилот ва жисмоний шахслар келтирган зарарни қоплашга мажбурдирлар.

Агар жисмоний шахслар томонидан қиматбаҳо бўлмаган, айланаси 25 сантиметр бўлган бир туп дарахт ноқонуний кесилса, энг кам иш ҳақининг 1,9 миқдорида, агарда қимматли дарахт тури кесилса ёки кесиш натижасида унинг ўсиши тўхтаб қолса, ундириб олинадиган жарима миқдори беш баробарга ошади. Худди шундай ноқонуний ҳаракат юридик шахс томонидан амалга оширилса, у ердаги дарахтзор, сувни муҳофаза қилиш ва эррозияга қарши функцияларни бажарса, жарима миқдори жисмоний шахсга нисбатан беш баробар юқори бўлади. Демакки, дарахт ва буталарни кесишда юридик шахсларнинг масъулияти жисмоний шахсларга нисбатан жуда юқоридир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 162-моддасига кўра, шаҳарлардаги дарахтларга зарар етказганлиги ва ўзбошимчалик билан кесилганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 3 баробаригача бўлган миқдорда жарима қўлланилади.

Дарахт ва буталарнинг ноқонуний (ўзбошимчалик билан) кесилишининг олдини олиш ҳар бир кишининг бурчидир.

**Ўлмас СОБИРОВ,**
**Давлат бионазорати ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўлими бошлиғи.**

Хоразм Вилояти

**Урганч туманидаги "Элита наслли парранда" фермер хўжалигида 20 минг бош паррандага мўлжалланган янги паррандачилик биноси ишга туширилди.**

# ФЕРМЕРНИНГ ПАРРАНДАЧИЛИК ЦЕХИ



Жавлонбек Полвонов раҳбарлигидаги ушбу фермер хўжалиги аъзолари йил охиригача паррандалар бош сонини 20 мингтагача етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Талабгор хўжаликларга, аҳолига зотдор товуқларнинг тухум ва жўжаларини етказиб бераётган бу жамоада 250 та асалари оиласи ҳам парвариш қилинмоқда. Тадбиркорлик билан иш юритаётган мазкур хўжалик аъзолари олинаётган даромад ҳисобига қорамолчиликни ҳам йўлга қўйганлиги қўшимча 10 иш ўрни яратилишига олиб келди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ ТАЖРИБА ВА САМАРА

# ОЧИҚ ДАЛАДА ЛИМОН ВА МАНДАРИН ЎСТИРИЛМОҚДА

**Ўзбекистонга лимон, мандарин ва апельсин ўсимликлари 1937 йилда келтирилган. Бироқ бу иссиқсевар ўсимликлар юртимизнинг совуқ қиш шароитига мослаша олмай, қуриб қолган. Шунда олимлар "Ўзбекистонда субтропик меваларни етиштириб бўлмайди", деган хулосага келишган. Бироқ 1957 йилдан қибрайлик селекционер олим Зайниддин Фахриддинов цитрус ўсимликларнинг совуққа чидамли навларини яратиш устида тажрибалар олиб боради. Кўп йиллик изланишлар самараси ўлароқ, илк маротаба 1967 йили юртимиз иқлимига чидамли бўлган лимоннинг янги Ф1-Тошкент, сўнгра Ф2, Ф3, Ф4, Ф5 навлари, апельсиннинг "Ўзбекистон апельсини", мандариннинг "Тошкент мандарини" навлари яратилди.**

— Отамиз суяги меҳнатда қотган миришкорлардан бўлган, — дейди Муҳаммадазиз Фахриддинов. — Улар субтропик ўсимликларни Ўзбекистон шароитида кўпайтириш бўйича салкам ярим аср тажриба ўтказганлар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 50 гектардан ортиқ майдонда лимонарийлар ташкил этилди. Бундан ташқари, 500 гектар аҳоли иссиқхоналарида янги лимон навлари етиштирила бошланди.

Муҳаммадазиз ака ҳам отаси изидан бориб, лимон ва бошқа цитрус ўсимликларни юртимиз шароитида етиштириш, кўпайтириш борасида 200 га яқин тажриба устида ишлади. Натижалар ёмон бўлмади. У бир тупда пайвандлаш йўли билан лимон, мандарин ва апельсин меваларини етиштирди. Ҳар бирида эса уч хил меванинг таъми мужассам. Шунингдек, ўтган йили қора мурчнинг оталик гули билан лимоннинг оналик гулини чанглатиш орқали янги мурч таъмли лимон навини яратди. Натижада лимоннинг ранги тўқ кўк тусли бўлиб, мевадан мурчнинг хушбўй таъми келади. Селекционер олим тажрибалари чоғида "Ўзхитан" препаратини нанотехнология ҳолатида қўллаши туфайли цитрус ўсимликларнинг юртимиз шароитига мос технологиясини топди.

— Биламизки, юртимизда цитрус мевалар асосан иссиқхоналарда парваришланади, — дейди у биз билан суҳбат чоғида. — Бунинг асосий сабаби, иқлим шароитимиз ҳисобланади. Тажрибаларимда асосий эътиборни қисқа муддатда ва очиқ ҳавода етиштириладиган нав яратишга қаратдим. Бу борада Греция олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилдим. Баҳорда лимоннинг "Ф1 — Тошкент" ва мандариннинг "Тошкент мандарини" уруғини "Ўзхитан" препаратида капсулалаб иссиқхонага экдим. Уруғнинг унувчанлиги ва ўсув қуввати препарат таъсирида тобора ортиб борди. Август ойида эса куртак пайванд қилинди.

Иккинчи йили ўсимлик шохлай бошлади, илдизи бақувватлашди, ён шохлари кўпайиб, 50-60 см. атрофида ўсди. Учинчи йили март ойидан очиқ далага кўчириб ўтқаздим. Апрелда ҳосил илк нишонасини кўрсатди. Ноябрь ойида ҳосил йиғиб олинди.

Шу ўринда айтишим керакки, дастлабки йилларда ўсимлик одатдагидек ўзи барг ташламайди. Агар барги кам бўлса, қўл билан ҳам олиб ташлаш мумкин. Мабодо, барглар қолгудек бўлса, новдалари зарарланишига олиб келади. Қиш олдидан шохлари ип билан тўп қилиб боғланиб, бўз мато билан ўралади. Дарахтни аёзли совуқ кунлардан асраш учун плёнка билан ўраб қўйилади. Баҳорда усти очиб ташланади. Совуқ урган новдалари бўлса, шакл берилиб, илдизидан озиқлантириш кучайтирилади. Бу тартиб 5-6 йил давом этгач, ўсимлик буткул совуққа чиниқади. Бошқа мевалар каби бир пайтда гуллайди, бир вақтда ҳосил беради ва барг тўкади.

Мутахассисларга маълумки, шу пайтгача цитрус меваларнинг қаламчалари Москва Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқотлари асосида етиштириб келинарди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. 12 см. қилиб кесилган қаламчанинг 2 см. қисми "Ўзхитан" препаратига 5 минут ботириб олинади. Қаламчанинг айнан мана шу жойида капсула ҳосил бўлиб, ўсимликнинг илдиз отиш жараёнини тезлаштиради. Кўчат 28-30 кун ичида экиш учун тайёр бўлади. Ўсимлик 2-3 йилдан сўнг ҳосилга киради.

Айни пайтда Муҳаммадазиз ака тажрибаларини янада такомиллаштириш устида иш олиб боряпти. Унинг бундай фидойи меҳнатига тан бермасдан иложимиз йўқ.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

# ИНТЕНСИВ БОҒЛАР ҲОСИЛГА КИРДИ

**Мамлакатимизда боғ-роғларни ҳам катта даромад манбаига айлантириш ташаббуси кенг қулоч ёйди. Бугун юртимизнинг қай бир жойига борманг, бу борада амалга оширилаётган ижобий ишларнинг гувоҳи бўласиз.**

— Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони боғдорчилик йўналишидаги фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда, — дейди Янгийўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Акмал Мирзаев. — Бугунги кунда туманда 2180 гектар мевали боғ мавжуд. Ушбу фармонга мувофиқ, бу йил 56 гектар майдонда интенсив боғ, 72 гектар майдонда янги узумзор ташкил этилди.

2010 йили "Миришкор Сайфиддинова Хонзода" фермер хўжалигининг 9,5 гектар майдонига Польша селекциясига мансуб олма, гилос, нок кўчатлари олиб келиб экилганди. Ўтган йили боғ нишона ҳосил берди. Бу йил кўчатлар ёппасига гуллаб, мўл ҳосил етиштиришдан дарак бермоқда.

Туман ва вилоят, ҳатто республика миқёсида боғдорчиликка оид йиғилиш ва семинарлар айнан шу фермер хўжалигида ўтказилиб, боғ ташкил этиш истагидагиларга йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериляпти. Фермер хўжалиги раҳбари Захриддин ака Сайфиддинов ўғиллари Фахриддин, Баҳриддин, Камолиддин, Ҳасанбойларга боғдорчиликни ривожлантиришда бош-қош. Улар ҳозирги кунда кўчатчилик билан ҳам шуғулланиб, юртимиз боғбонларига сара, серҳосил навли мева ва гул кўчатларини етказиб беришяпти.

Мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар кун сайин ортиб, ўлкамиз боғ-роғларга бурканаётганлигини кўриб, кишининг кўзи қувнайди. Бу ҳам бўлса халқимиздаги яратувчанлик, эртанги кунга ишонч ҳисси ортаётганлигидан дарак бермоқда.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

Қашқадарё Вилояти

**Касби туманида 2012 йил ҳосили учун ғўза зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши кураш ишларини яхшилашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

# ЗАРАРКУНАНДА ЗАРАРИ ЕТМАСДАН

Унда соҳага тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари, фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашдилар.

Тадбирда вилоятда ғўза майдонларида тарқалиши кутилаётган зараркунандаларнинг ҳосилга зарар етказишининг олдини олиш ва уларга қарши кураш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил сўз юритилди. Айни пайтда вилоятда 80 та биолаборатория фаолият кўрсатмоқда. Улар белгиланган тартибда ишлаши учун зарур шароитлар яратилган.

Семинарда ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш агротехник тадбирларини сифатли ҳамда ўз вақтида ўтказишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро Вилояти

## Азим ЛАТИПОВ:

# «ЖАВЗО СУВИГА ҚОНГАН ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛАДИ»



*Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов ва иш юритувчи Назар Ҳидоятов.*

**Шофиркон туманидаги Вардонзе қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳудуди Жилвон чўлларига туташиб кетган. Бу ерда ўндан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Шулардан бири — "Азим Шофиркон юлдузи"га Ўзбекистон Қаҳрамони Азим ака Латипов раҳбарлик қилади. Хўжалик ихтиёрида 500 гектар ер бор.**

Ўтган йиллар давомида ўз хўжалигида деҳқончилик маданиятининг тартиб-қоидаларини тўлиқ йўлга қўйган фермернинг далалари сари юзлансангиз, ҳудуддаги бошқа хўжаликларда учрамайдиган ўзгача бир манзаранинг гувоҳи бўласиз. Тобора қирмизи рангга кириб бораётган ғаллазордаги экинлар бошоғи чўл шамолида чайқалади. Оби-тобида ишлов берилган далалардаги узун қаторларда тизилган ғўзалар эгатларга соя ташлашга улгурган. Аксарият далалар сувга қондирилган. Ер обдон текислангани боис, қатор ораларида сув халқоб бўлмаган. Ғалла майдонлари, ғўза қаторларида бирор бегона ўтларга кўзингиз тушмайди.

Азим ака билан суҳбатимиз бу йилги шароитдан келиб чиққан ҳолда ғўзани суғориш, бу агротехник тадбирнинг эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлари хусусида бўлди.

— Ота-боболаримиз, тажрибали кекса деҳқонлар жавзо сувига қонган ғўза бақувват, серҳосил бўлади, "жавзо об — тилло об" дея таъкидлашган, — дейди у. — Шу ақидага амал қилиб, ҳар йили жавзо ойида ғўзани яхшилаб суғоришни канда қилмаймиз. Бу тадбирнинг ижобий натижасини ўз тажрибамда кўп бор синаганман. Кузатувларим асосида айтишим мумкинки, белгиланган агротехник тадбирлар ўтказилган, меъёрида минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб, жавзо сувига қонган ғўзаларда ривожланиш кескин тезлашади. Ҳосил шохлари кўпаяди. Ҳосил шохлари эса, ҳосил нишоналари демакдир. Энг асосийси, ҳосил эртаги бўлади, уни юқори навларга сотиш имконияти туғилади. Шундай йўл тутилганда ҳар йили деҳқонларимизни кўп ташвишга соладиган гармсел мавсумигача далаларда режага яраша ҳосил тўпланади.

Соддароқ қилиб, деҳқон тилида айтсам, жавзо суви ғўзани ҳар томонлама чиниқтиради, тоблайди. Соғлом ва бақувват кўчат эса тобора кўпроқ "ишлайди". Касаллик ва зараркунандага қарши чидамли бўлади.

— Яқинда "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ўқиб қолдим, — дея сўзини давом эттиради Азим ака Латипов. — Хоразмлик бир фермер бу йил ариқларимизни тўлдириб оқаётган лойқа сувнинг хусусияти ва унинг таркиби, ерга, экинга фойдали жиҳатлари ҳақида ҳақ гапни айтибди. Биз ҳам пахта майдонларини Амударё сувидан суғорамиз. Эрта баҳорги ёғингарчиликлар сабаб оқар сувимиз турли хил чўкинди ва минералларга тўйиниб оқяпти. Ҳатто далаларнинг сув кирар қисмида суғоришдан кейин қалинлиги 1,5-3 сантиметр келадиган лойқа қатлам ҳосил бўлиб қоляпти. Шундай маъданларга тўйинган обиҳаётнинг экин учун, ер учун нақадар фойдали эканлигини айтиб адо этиш қийин. Сув билан ерга малҳам, экинга мадор киряпти, десам асло хато бўлмайди. Биз эса хўжалигимиз аъзолари билан ана шундай бебаҳо сувни "шарбат" оқизиш орқали янада бойитиб, далаларимиздаги экинларни суғоряпмиз. Хўжалигимиз экин ерлари тошшағалли бўлгани боис суғоришни эртароқ бошлаб, суғоришлар оралиғини бироз қисқартиришимизга тўғри келади. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам жавзо сувига ғўзасини қондирган деҳқон ҳеч адашмайди.

202 гектар майдондан режадаги 540 тонна ўрнига 640 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришга бел боғлаган хўжалик деҳқонлари ана шу зайлда меҳнат қилишмоқда. Бундай меҳнатнинг натижаси салмоқли бўлади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона вилояти

# БУГУНГИ ЗАХИРАЛАР ЭРТАНГИ ЧЕМПИОНЛАР

**Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни — келажаги вояга етиб келаётган ёшлар қўлидадир. Шу боис, республикамизда ҳам ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётир. Кўркам ва замонавий таълим даргоҳлари бунёд этилиб, ўқув жараёнлари замон талаблари даражасида шакллантирилмоқда. Фарғона Олимпия захиралари коллежида бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишларга яна бир бор гувоҳ бўлдик.**



— Ўқув даргоҳимиз 2003 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган, — дейди коллеж директори Илҳомжон Турсуналиев. — Коллежимизда спортнинг деярли барча турлари бўйича шуғулланиш учун етарлича шароитлар яратилган. Жумладан, 1248 нафар томошабинга мўлжалланган иккита теннис корти, 130 нафар мухлисга мўлжалланган бокс зали, 230 ўринли спорт ўйинлари зали ўқувчилар ихтиёрида. Айни кунларда 888 нафар коллеж тарбияланувчисига 113 нафар малакали ўқитувчи ва спорт мураббийлари таълим-тарбия беришяпти. Шу ўринда трамполин бўйича Абдулазиз Турғунов, белбоғли кураш бўйича Шерзод Ўсаркулов, Раҳматжон Олимов, таэквандо бўйича Мақсаджон Мамажонов, бокс бўйича Ҳамиджон Турсунов каби тажрибали мураббийларимизни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Чунки улар тарбиялаган аксарият спортчилар Ўзбекистон байроғини ғолиблик шоҳсупасида баланд кўтармоқда. Юртимиз довруғини дунёга ёймоқда.



Коллежимиз ташкил этилгандан буён 11 нафар жаҳон чемпиони, 32 нафар Осиё чемпиони, 91 нафар халқаро турнир ғолиб ва совриндори, 1411 нафар Ўзбекистон чемпиони, 1434 нафар спорт усталигига номзодлар етишиб чиқди.

— Ўқувчиларимизнинг ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишлари учун жисмоний тарбия назарий ўқув машғулотларига ҳам алоҳида эътибор жоиздир, — дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Эгамберди Усмонов. — Бизнинг коллежимизда таълим жараёнлари замонавий компьютер ва лингафон билан таъминланган синф хоналарида олиб борилади. Физика ва кимё фанлари лаборатория асбоб-ускуналари билан тўла-тўкис жиҳозланганлиги ўқув машғулотларининг қизиқарли ва жонли ўтишини таъминлайди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA
SOTILA MAN



+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел. : (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-mn.uz
www.man-mn.uz
MAN

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н Алмазар махалля д. 11 кв-ра 67, выданный Чиланзарским БТИ на имя Маткаримовой Гулзоды Мадримовны, считать недействительным.

"СИЯВУШ" ногиронлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг 25.02.1993 й.да 1232-сон Юнусобод т. ҳокимининг Фармойиши билан рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"BEHZOD-SAVDO" МЧЖнинг Устав фонди 507 855 638 сўмдан 489 986 485 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Даъволар 159-05-04 телефони орқали қабул қилинади.

ООО "MATIMEX-ORIENT" (ИНН 300757505), зарегистрированное ИРСП при хокимияте Яккасарайского р-на (гос. рег. № 003671, 12.03.2008 г.) сообщает о реорганизации в форме выделения ООО "MATIMEX VOSTOK". ООО "MATIMEX VOSTOK" является правоприеемником прав и обязательств, переданных ООО "MATIMEX-ORIENT" согласно разделительному балансу от 01.06.2012 г. (на основании решения участника ООО "MATIMEX-ORIENT" от 01.06.2012 г., протокол № 12). Обращение принимаются в течение 30 дней от даты публикации настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Насыра 2-ой вагонный проезд д. 1.

Ранее Опубликованное объявления в газете "Ташкентская правда" за № 43 (11855) от 02.06.2012 г. о ликвидации ООО "MANIMEX-ORIENT" (ИНН 300757505) Яккасарайского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

ООО "WIN AND DOOR" (ИНН 301377684), зарегистрированное ИРСП при Хокимияте М.Улугбекского р-на г. Ташкента (21.04.2011 г., реестр № 005175-04), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Осие д. 16 кв-ра 71 (в соответствии с решением учредителя № 2 от 31.05.2012 г.), ликвидируется. Претензии принимаются в течение 3-х месяцев со дня публикации объявления.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ISO 9001:2008

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди
"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел:(998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс:(998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suvmash.uz, www.suvmash.uz



CLAAS
«Uz CLAAS Service» МЧЖ

Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни томонидан Ўзбекистонда «CLAAS» қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда оригинал эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамияти ва вилоятлар филиаллари ташкил қилинди.

*Сифатли сервис хизмати ва айнан Германияда тайёрланган оригинал эҳтиёт қисмлар (оригинальные запасные части имеют галограмму на упаковке) учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:*

Тошкент шахри, Тошкент Автомобиль халқа йўли, 45. (мўлжал: Янгиобод бозори) Тел.: (8-371) 230-93-77, (8-371) 230-93-74 Моб.: (8-598) 368-93-77
service@uzclaasservice.uz, info@uzclaasservice.uz

БИЗ СИЗНИНГ ТЕХНИКАНГИЗ ДОИМИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ПРОДАЕТСЯ: б/у, свое
• ОБОРУДОВАНИЕ СТАНКИ
• ПОЛИАМИД
• ПОЛИСТИРОЛ
• ПВХ, П/Э, П/П
КУПИМ. б/у
• АККУМУЛЯТОРЫ
• ПЛАСТМАССУ
• ТЕКСТИЛЬНЫЕ ОТХОДЫ
т.:(+99898) 302-05-44

«Breed Cattle LLS»
компанияси зотдор сигирларни (келиб чиқиши - Швейцария, Голландия, Германия) келтириб беришни амалга ошириш имкониятига эга. Сигирларнинг зоти - Brown Swiss, Holstein, Fleckvieh.
Тўлов - ЎзР миллий валютасида.
Мурожаат учун телефон:
(+99890) 968-72-99
e-mail: breed_cattle@mail.ru

ООО "AL BOSIT GOLD" (ИНН 300447684), зарегистрированное ИРСП Учтепинского р-на г. Ташкента (реестр № 001551-01, 12.05.2007 г.), сообщает об уменьшении уставного фонда зарегистрированного с 127 721 000 сум до 4 110 000 сум.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Фаргона йули д. 39, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Азизова Миржалола Миркамоловича, считать недействительным.

Утерянный аттестат O'R-B № 015124, выданный в 1998 г. шк. № 31 Хамзинского р-на г. Ташкента на имя Ким Натальи Юрьевны, считать недействительным.

Утерянное шаходатнома O'R-Z № 196179, выданное в 2000 г. шк. № 9 Чиланзарского р-на Ташкентской обл. на имя Нуриддинова Алижона Холдарбоевича, считать недействительным.

ЧП "VIKTORIYA-HL" (ИНН 202063097), зарегистрированное ИРСП при Хокимияте Юнусабадского р-на г. Ташкента (21.02.2007 г., реестр № 002196-10), расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н ул. Обида Зокирова д. 1 (в соответствии с решением учредителя № 1 от 31.05.2012 г.) ликвидируется. Претензии принимаются в течение 3-х месяцев со дня публикации объявления.

ЧП "ERKIN-QAHRAMON-SAVDO" (ИНН 301607168), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: пр. Бунёдкор рядом с автовокзалом, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 31.05.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 185-39-84.

Утерянный план дома по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Маданият 14, выданный Алмазарским БТИ (быв С.Рахимовский) на имя Мирзарахимовой Написы, считать недействительным.

Частная производственно-коммерческая фирма "AZIZ-NAVRO'Z" (ИНН 201219036), Шайхантахурского р-на сообщает об реорганизации в ООО "AZIZ-NAVRO'Z" с переходом всех прав и обязательств ЧПКФ "AZIZ-NAVRO'Z" к ООО "AZIZ-NAVRO'Z". Тел.: 800-31-37.

Домбрабод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 й.да Абдунабиев Ғанишер Ихтиёр ўғли номига берилган К № 2236854 сонли (рўйхат рақами № 1148) Диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАНГАН УРУҒЛАР
«URUG-INVEST» Ўзбекистон-Сербия қўшма корхонаси
такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор
маккажўхори (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига8-10 тонна),
кунгабоқар (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)
дурагайлари ва соя (вегетация даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)
уруғларини таклиф қилади.
УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
www.semena.uz
Тел.: (+99897) 778-40-27. Факс (+99871) 234-62-45.

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Т.Сайдалиев кўчасида жойлашган вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасининг маъмурий биноси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1202,477 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 1002,064 млн. сўм**, қурилиш муддати** – 7 ой.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, Т.Сайдалиев кўчаси 2-уй. Тел. (8-376) 226-10-61 ф., 226-03-45.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Даврхитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй**да ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Кенгесбой Темирхоновга волидаи муҳтарамаси

**ЭНСИН она**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 01.50
22428 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.